

# ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИНИНГ ЁРҚИН БАЙРАМИ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ



## СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1983 йил 21 июндан ЧИҚА БОШЛАГАН № 209 (18.686) Шанба, 1983 йил 10 сентябрь Баҳоси 3 тийми.

### Тошкентда тантанали йиғилиш

Ранго-ранг байроқлар, паннолар ва транспарантлар Ўзбекистон пойтахтининг кўча ва майдонларига янада кўркамлик бахш этган. Ҳама жойда — кўп қаватли иморатларнинг пештоқларида, трамвайлар, автобуслар, троллейбусларнинг ёнларида тантана санасини билдирувчи «2000 йил» деб ёзиб қўйилган. Мамлакатимиз Шарқдаги энг катта индустрия ва маданият маркази, меҳнат ва мардлик шаҳри, ҳақиқатини айтиш керакки, деярли барча индустриал ва маданият маркази — Тошкент инки минг ёшда.

Бу шаҳарнинг овозига — Тинчлик ва Дўстлик овозига барча қитъалардаги миллион-миллион кишилар қўлоқ солимоқдалар. Шаҳар меҳнатқашларининг революцион ҳаракатдаги катта хизматлари ва Улуғ Ватан урушидаги қалабага қўшган ҳиссаси, ҳўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари учун ва асос солинганлигининг 2000 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳри Ленин ордени билан мукофотланганлиги байрамга алоҳида фойз киритди.

Тошкентликлар шонли юбилейни муносиб қутиб олдилар. Юбилей арафасини улар партия XXVI съезди топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бошланган социалистик мусобақада янги ютуқлар билан, Ёр юзидagi тинчликнинг ишончли таянчи — социалистик Ватан қудратини ҳар томонлама ошириш йўлидаги умумхалқ курашига кўпроқ ҳисса қўшиш билан нишонладилар. КПСС Марказий Комитетининг 1982 (Давоми учинчи бетда).



Тошкентнинг 2000 йиллигига ҳамда шаҳарга Ленин ордени топирилшига бағишланган тантанали йиғилиш президиуми. В. Молгачев ва Л. Гусейнов фотоси.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси  
Марказий Комитетига  
КПСС Марказий Комитети Бош секретари  
СССР Олий Совети Президиуми Раиси  
**Ўртоқ Юрий Владимирович АНДРОПОВга**

Биз, Тошкентнинг 2000 йиллигига ва шаҳарга Ватаннинг олий мукофоти—Ленин ордени топирилишига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчилари серкуёш Ўзбекистон пойтахтининг коммунистлари, барча меҳнатнашлари номидан совет кишиларининг бахт-саодати ҳақида, жаҳонда биринчи социализм мамлакатининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш тўғрисида, бутун жаҳонда тинчлик тўғрисида доимо гамхўрлик учун қонакони ленинчи партияимизнинг жанговар штаби — КПСС Марказий Комитетига, азиз Юрий Владимирович, Сизга чин қўнғилдан миннатдорчилик ва самимий ташаккур сўзларини изҳор қиламиз.

Биз Тошкент меҳнатнашларининг революцион ҳаракатдаги катта хизматларига, уларнинг фашистлар Германияси устидан қозонилган Улуғ Ғалабага қўшган ҳиссаси, ҳўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятларига юксак баҳо берилганлигидан астойдил миннатдоримиз.

Тошкент барпо этилган пайдан буён йиғирма аср ўтди, аммо унинг чин тарихи — тинчлик ва равиқ топши даври Улуғ Октябрьдан кейин Тошкент пролетариати синфдош қардошлари — Петроград, Москва кишилари ва революцион Россиядаги бошқа марказларнинг ишчилари билан бир сафда туриб, мислсиз мардлик ва қаҳармонлик кўрсатган ҳамда кўп сонли душманларга қарши ҳаёт-мамот жангида Совет ҳокимиятини қаттиқ туриб ҳимоя қилган пайтда бошланди.

Тошкент пролетариатининг Совет ҳокимияти дастлабки йилларида кўрсатган жасорати Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Тошкент пролетариатининг ана шу жасорати, улуғ марксизм-ленинизм ишига, пролетар интернационализмига садоқати, унинг улуғ рус халқи билан, Советлар мамлакатидagi бошқа халқлар билан мустаҳкам дўстлик, қардошлик ва ўзаро ёрдам муносабатлари социалистик ўзгаришларни амалга ошириш учун, шаҳар экономикаси ва маданиятини, кўп тармоқли бутун ҳўжалигини мавж урив юксалтириш учун мустаҳкам негиз яратди.

Тошкент ҳозирги кунда мамлакатдаги энг йирик индустриал, илмий ва маданий марказларнинг бири бўлиб қолган экан, бу—аввало, партияимиз доио ленинча миллий сиёсати натижаси, пролетар интернационализи, халқлар ғаволият дўстлиги ғояларининг тантанаси самарасидир.

Совет кишиларининг мустаҳкам бирлиги ва мақсадларининг муштараклиги, ўзаро ёрдами шаҳар табиий офатга дучор бўлган кўчаларда янада зўр куч билан намоёй бўлди. Тошкентликлар, Ўзбекистоннинг барча меҳнатқашлари партия ва ҳўкуматининг, барча қардош халқларининг бебаҳо ёрдамини ҳеч қачон эсдан чиқармайдилар. Зилзала натижасида вайрон бўлган Тошкент улар-

### Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ нутқи

Азиз ўртоқлар!

Бугун биз тантанали кунни нишонлаётимиз. Тошкентга Ленин ордени топирилмоқда. Тошкент меҳнатқашларининг революцион ҳаракатдаги катта хизматлари ва Улуғ Ватан урушидаги ғалабага қўшган ҳиссаси, ҳўжалик ва маданий қурилишдаги муваффақиятлари учун ҳамда асос солинган кўнига 2000 йил тўлиши муносабати билан шаҳар Ватаннинг олий мукофотига сазовор бўлди.

Тантанали йиғилиш натижаларини бўлган сўзларини, Тошкент шаҳри ва республиканинг барча меҳнатқашларини КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети номидан юксак мукофот билан астойдил муборакбод этишга ва бахт-саодат, эсон-омонлик, улуғ социалистик Ватанимиз фаровонлиги йўлидаги меҳнатда янги зафарлар тилашга ижозат бергайсизлар.

Тошкентнинг юбилей тантаналари совет халқи КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш йўлидаги курашнинг кенг қулоч ёдирган бир пайтда, мамлакатнинг барча меҳнатқашлари Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварағида янада жипслаган вазиғда ўтмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва

1983 йил июнь Пленумлари, партияимиз Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқлари партияимиз ленинча бош йўлини амалга оширишда, мамлакатини социал-иқтисодий ва маданий жиҳатдан янада ривожлантиришнинг энг самарали йўлларини белгилашда жуда муҳим ёсқичлар бўлди.

Совет халқининг бахт-саодати, унинг меҳнати ва турмуши учун тинч шароитларни таъминлаб бериш партияимиз программ мақсади экани мазкур Пленумларда ва нутқларда яна бир бор тасдиқланди. КПСС Марказий Комитети ва Сийёсий бюро мамлакатнинг иқтисодий ва мудофаа потенциалини мустаҳкамлаш, совет кишилари фаровонлигини ошириш йўлини изчиллик билан ўтказмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ноябрь ва июнь Пленумларининг қарорлари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқлари ҳозирги шароитларда мамлакатни социал-иқтисодий ва маданий жиҳатдан ривожлантиришнинг энг муҳим проблемаларига чинаяк ижодий ва новаторларча ёндашиш намунасидаир. Улар етуқ социализм назариясини ривожлантиришда, жамиятимиз олдида турган истиқбол вазифаларининг, ривожланган со-

циализмни такомиллаштириш вазифаларининг ҳарактери ва моҳиятини аниқлашда янги катта қадамдир.

Партия меҳнатқашларининг бутун куч-ғайратини социал-иқтисодий сиёсат ва маънавий тараққиётнинг энг муҳим соҳаларига марказлаштиришда, бу соҳалар аввало иқтисодий ишлаб чиқаришнинг интенсификацияси, унинг самарадорлигини ўстириш, меҳнат унумдорлигини тўғдан ошириш, барча резерв ва имкониятлардан фойдаланишдан иборат. Бу соҳалар фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришда кенг жорий этишдан, ҳўжалик механизмининг такомиллаштиришдан, ишда интизом, тартиб ва ушқоқликни мустаҳкамлашдан иборат. Бу соҳалар социализмнинг энг муҳим принциплари қатъият билан риоя этишга — меҳнатнинг миқдори ва сифатида қараб тақсимлашдан, шахсининг манфаатларини коллектив ва умуман жамият манфаатлари билан тўғри бирга қўшишдан иборат.

Ҳозир конкрет ташкилотчилик ва ғовий-тарбиявий иш биринчи ўринга чиқариб қўйилмоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми айна шу ҳолда алоҳида эътибор берди.


Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумдаги нутқида ҳозирги шароитдаги идеология, оммавий-сиёсий ишнинг энг

муҳим мақсадлари, йўналишлари ва вазифалари белгилаб берилган, мамлакат олдида турган социал-иқтисодий ва маданий вазифаларнинг бутун комплексни чуқур дўстлик таҳлил этилган. КПССнинг янги таҳрирдаги Программасини таёрлашга оид принципиал йўл-йўриқлар қўрилган.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми, СССР Олий Советининг саккизинчи сессияси бизнинг партияимиз — коммунистик келажак йўлини юмил ишлов билан очиб бераётган кашпофлар партияси эканини бутун дунё олдида ишонлари куч билан яна бир бор намоён этди. Тарихий сана — РСДРПнинг иккинчи съезди 80 йиллиги байрами бунинг зўр куч билан тасдиқланди. Бу съезда янги тинчдаги партия, Ленин партияси, Улуғ Октябрь, социалистик ва коммунистик бунёдкорлик партияси тузилган эди.

КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларининг қарорлари, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқлари барча партия ташкилотлари фаолиятининг асоси бўлиб қилмади.

(Давоми иккинчи бетда).



Суратда: Тошкентга Ленин ордени топириш пайти. ЎзТАГ фотохроникаси.

### ШОНЛИ САНА

8 сентябрь кунин Москвада пойтахт меҳнатқашлари намоёнларининг Болгарияда социалистик революция ғалабасининг 39 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Сўзга чиққан нотиклар Болгария халқ ҳокимияти йиллари мобайнида экономикаси ва маданияти жўшқин ривожланган илгор социалистик давлатга айланишнинг, қудратли социалистик ҳақиқатининг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолганлигини таъкидлаб ўтдилар.

БХРнинг СССРдаги элчисини Д. Жулев ўз нутқида Болгария меҳнатқашларининг барча ютуқлари Совет Иттифоқи, барча қардош социалистик мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик билан мустаҳкам боғлиқ эканлигини қайд этди. У БХР Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсий йўлини қатъиян қўллаб-қувватлашини, империализм кирдиқорларига қарши, тинчликни мустаҳкамлаш ва кескинликни юмшатиш иш учун курашга ўз ҳиссасини қўшишга тўла шай эканлигини айтди.

Шу кунин чет эл адабиети Бутуниттифоқ давлат кутубонасида болгар халқининг миллий байрамига бағишланган қардош мамлакат китоблари декадеси бошланди.

(ТАСС)





